



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (13.927)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯНИНГ "ЛУКОЙЛ" КОМПАНИЯСИ РАҲБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май кунини "Ўзбекистон нефть ва газ" халқаро кўргазмаси тадбирларида иштирок этиш мақсадида мамлакатимизда бўлиб турган "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, мамлакатимиз нефть-газ тармоғида етакчи бўлган ушбу Россия компанияси билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда "Лукойл" компанияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга киритган инвестициялар ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошди.

Ўтган йил апрель ойида ишга туширилган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси лойиҳада кўзда тутилган қувват билан ишлаб бошланди. "Ховузак" ва "Шоди" конлари, шунингдек, Жануби-Ғарбий Ҳисор конлари ўзлаштирилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, янги инвестиция дастур ва лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда "Лукойл" компаниясининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Вагит Алекперов Президентимизга самимий қабул ва қўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

"Лукойл" компанияси раҳбари Ўзбекистон билан нефть-газ тармоғида узоқ муддатли ва кенг қўламли шерикликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ "РОСАТОМ" КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май кунини Россиянинг атом энергияси бўйича "Росатом" давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражада эришилган келишувларни рўйбга чиқариш доирасида илгор технология ва илм-фан ютуқларини жалб этган ҳолда мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қуриш лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузурида "Ўзатом" агентлиги ташкил этилган ва фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда атом энергетикасини ривожлантириш бўйича ўн йилга мўлжалланган концепция қабул қилинган.

Бўлажак АЭС учун майдон танлаш бўйича муҳандислик тадқиқотларининг биринчи босқичи якунланди. Халқаро талабларга мувофиқ, лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири баҳоланмоқда ва техник ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Аҳолини атом энергетикаси ва ядровий технологиялар ривожига тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида "Ўзатом" агентлиги биносидан Атом технологиялари ахборот маркази очилди.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан Тошкентда "ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети филиали ўз ишини бошлайди.

Учрашувда мамлакатимизда қабул қилинган "Йўл харитаси" асосида АЭС қурилиши лойиҳасини сифатли тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш бўйича ҳамкорликни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди. Янги тармоқни ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

"Росатом" давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида эришилган келишувларни ўз вақтида ва кенг қўламада амалга ошириш борасидаги иштирокчиларнинг қатъий экани таъкидланди.

**Россиянинг атом энергияси бўйича "Росатом" давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ЎЗА мухбирига интервью берди.**

### Алексей ЛИХАЧЁВ:

## ТОШКЕНТДА "ММФИ" ФИЛИАЛИ ОЧИЛГАНИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДАН ДАЛОЛАТДИР

— Сухбатда фан ва юқори технологиялар соҳасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, икки мамлакат илмий-тадқиқот институтлари ва инновация марказлари ўртасида яқин ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастур ва лойиҳалар доирасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнлари, тармоқ ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўз лойиҳамизга келсак, у жадал ижро этиляпти. Президент томонидан бир йил олдин ўрнатилган жадвал қанчалик мураккаб бўлмасин, биз Ўзбекистонда АЭС тармоғини яратиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширдик. Станция учун майдон белгиланди. Биз қурайдиган блок андозаси танлаб олинди. Контракция ишлари фаол олиб борилаётган. Олдимизда турган вазифа жорий йилда асосий шартномаларни тузиш.

Атом технологиялари бўйича ахборот марказини ҳам очдик. Бу ерда қизиқувчилар ядро технологиялари, тармоқ тарихи ҳақида маълумот олиши мумкин. 2019-2020 ўқув йилидан "Москва муҳандислик-физика институти" миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкентда очилаётган филиалида атом энергетикаси соҳаси учун мутахассислар тайёрлана бошлайди. Бу ерда талабалар энг яхши дастурлар асосида таҳсил олади. Ушбу таълим даргоҳи нафақат Россия, балки халқаро миқёсда улкан эътирофга сазовор бўлган. Тошкентда унинг филиали очилгани ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан ёрқин далолатдир.

Ҳозирги кунда "Москва муҳандислик-физика институти" миллий тадқиқот ядро университетиде 56 нафар ўзбекистонлик мутахассис таълим олмақда. Келаси ўқув йилидан унинг магистратурасида Ўзбекистон учун квоталар сонини икки баробар оширилади.

Шавкат Мирзиёев лойиҳанинг истиқболли жиҳатларини назардан кочирмайди. Иқтисодийни ривожлантирувчи бу тармоқ орқали экспорт салоҳиятини янада ошириш, илм-фан, тиббиёт соҳасини раванқ топтириш мумкин. Президент бизнинг бу борадаги ишларимизни қўллаб-қувватлаётганидан миннатдоримиз.

АЭСнинг ишга туширилиши станция жойлашган ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, янги корхоналар қурилиши, иш ўринлари яратилиши, аҳоли фаровонлиги ошиши ва маҳаллий инфратузилма раванқига хизмат қилади.

**А.ҒАҒҒОРОВ**  
ёзиб олди

## ФРАНЦИЯ ТАДБИРКОРЛАР ҲАРАКАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**"MEDEF International" Франция тадбиркорлари ҳаракати раиси Кристоф Фонтен бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 15 май кунини Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон – Франция бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан "MEDEF International" Франция тадбиркорлари ҳаракати томонидан, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг савдо, инвестиция, банк-молия, туризм, қурилиш, кимё саноати, энергетика, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов, "MEDEF

International" Франция тадбиркорлари ҳаракати раиси Кристоф Фонтен ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамкорлик 1992 йилдан буюн ривожланиб келаётганини мамнуният билан қайд этди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга ташрифи якуни бўйича атом энергиясидан келишув ва имзоланган битимлар ушбу шериклик муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини бергани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)



## ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

**Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида "Ўзбекистон нефть ва газ – OGU 2019" йигирма учинчи ва "Энергетика, энергияни тежаш, атом энергетикаси, муқобил энергия манбалари – Power Uzbekistan 2019" ўн тўртинчи халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади.**

"Itesa Exhibitions" халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг "ITE" компаниялари гуруҳидаги ҳамкорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, "Ўзатом" агентлиги, "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти расмий кўмағида ташкил этилган тадбирдан кўзланган мақсад энергетика, нефть-газ соҳаларини ривожлантириш, бу борада халқаро тажрибалар билан танишиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Алишер Султонов, "Росатом" давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачев, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қиролли-

гининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Кристофер Аллан ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳаларидаги ўзгаришлар, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар мазкур тармоқ раванқида муҳим аҳамият касб этиб, хорижлик ҳамкорлар билан бирга ишлаш ҳамда инвестициявий лойиҳаларни жалб қилишга кенг йўл очаётганини қайд этди.

Бу галги кўргазмалар ўзига хос бўлиб, "OGU – 2019" экспозицияси "Ўзэкспомарказ"нинг 1- ва 2-павильонлари ва "Атриум 1" залида, 3-павильонда эса "Power Uzbekistan – 2019" халқаро кўргазмаси намоиш этилмоқда. Масалан, "OGU – 2019" кўргазмасида Лукойл, Газпром,

DOW, KNOC, Hyundai Engineering, Eriell, Enter Engineering, Turboden, SOCAR, Air Products, Endress + Hauser, JUMO, KROHNE каби маҳаллий ва халқаро нефть-газ ҳамжамиятининг йирик иштирокчилари ўз имкониятларини намойиш қилаётган бўлса, "Power Uzbekistan – 2019" кўргазмаси бўлимида "Росатом" давлат корпорацияси, General Electric (АҚШ) ва доимий иштирокчилар – CALIX ENERJI, Aksa Jenerator San. A.S (Туркия), Силовые Машины (Россия), CENK (Туркия), LAMPAR Srl (Италия) сингари компаниялар кейинги йилларда эришган ютуқларини таништиришга муваффақ бўлаётёр.

(Давоми 2-бетда)



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйига республикаимизда биринчи бўлиб ҳаводан сув оладиган ускуна ўрнатилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Исроилнинг "Watergen Ltd." компанияси ҳамда Холон технологиялар институти билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳа бир кеча-кундузда 900 литргача сув ишлаб чиқариш қувватига эга. Ушбу ускуна Бухорода тажриба тариқасида синовдан ўтказиш учун икки ой муддатга ўрнатилди. Сўнгра Мўйноқ туманида ҳам синаб кўрилади.

● Хитой Халқ Республикаси Пекин иқтисодий университетининг "International Think Tank Team" гуруҳи вакиллари амалий ташриф билан Наманган вилоятида бўлди. Хитойлик мутахассисларга вилоят иқтисодий салоҳияти, табиий ва ижтимоий ресурслари, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун яратилаётган имкониятлар, жумладан, "Наманган" эркин иқтисодий зонасида йирик бизнес лойиҳаларни амалга ошириш учун тақдим этилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

● Халқаро оила кунини муносабати билан Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонидан вилоят мусикали театригача бўлган масофада оммавий юриш ташкил этилди. Оммавий юришда 3 мингдан ортиқ оилалар вакиллари, ташкилот ва муассасалар ходимлари, маҳаллалар фаоллари қатнашди. Тадбирда фаол иштирок этган оилалар вакиллари ташкилотчилар томонидан ташаккурнома ва совғалар билан рағбатлантирилди.

● Бухоро вилояти Қорақўл туманида "Бухоро минтақавий пахта терминали ишлаб чиқариш транспорт компанияси" МЧЖнинг 2,5 миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан барпо этилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Қорақўл чеварлари" тивувчилик корхонаси иш бошлади. Тумanning Хўжалар маҳалласи ҳудудида фаолият бошлаган мазкур корхона сўнгги русумдаги замонавий тивув машиналари ва бошқа зарур ускуналар билан таъминланган бўлиб, унинг фаолияти йўлга қўйилиши билан 120 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

### ЖАҲОНДА

● АҚШ олий суди жаҳонга машҳур APLE компаниясига нисбатан билдирилган даъво аризасини маъқуллади. Гап шундаки, ушбу йирик компания монополияга қарши федерал қонунни бузганлигида айбланмоқда. Компанияга шунингдек, нарх-наво сиёсатини бузганлик айби ҳам қўйилган.

● Канада ғарбда ўрмон ёнгинларининг кучайиб бориши муносабати билан яқин атрофда истиқомат қилаётган аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ишлари бошланди.

● Эквадорда Ривентадор вулкони отила бошланди. Ундан чиқаётган кулнинг баландлиги бир километрге етмоқда.

### ҚИСҚА САТРАПДА

● Тошкент шаҳар ҳокимлигида Германиянинг Хусусий ипотека муассасалари ассоциацияси вакиллари билан учрашув ўтказилди.

● Олмазор туманида Дамаш каналининг узунлиги 1100 метр бўлган қирғоқ бўйи атрофларида кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, "Сой бўйи" сайилгоҳи барпо этилди.

● Яккасарой туманидаги 144-мактабда "Инглиз тили фан ойлиги" муносабати билан "ABC PARTY" деб номланган тадбир ўтказилди.

Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ – АҲОЛИНИНГ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) номзодларни сайлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бу борадаги хайрли ишларни изчиллик билан давом эттириш, инсон манфаатларини таъминлашга йўналтирилган ислохотларни янада кучайтириш, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашда ҳалқ ташвиши билан яшайдиган, кўпчиликка бош-қош бўлиб, фуқароларни эзгу мақсад йўлида бирлаштирадиган жонқуяр оқсоқолларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.



Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловлари пойтахтимизнинг барча туманлари қатори Юнусобод туманида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Тумандаги 63 та маҳаллада сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларига тумандаги кўмаклашувчи комиссия яқиндан ёрдам бермоқда. Сайлов ҳар бир маҳаллада очик-ошкора, ҳолислик, мукобиллик асосида ўтмоқда, бу жараёнда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Тумандаги "Аҳилобод", "Янгибоб", Юнус ота, "Катта Ҳасанбой", "Севинч" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайловлар ҳам "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорда белгиланган демократик тамойиллар асосида ташкил этилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда 2019 йилнинг Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш йили деб эълон қилиниши замирида ҳам улкан ҳикмат мужассам, – дейди Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси профессори, юридик фанлари номзоди Гүлчехра Тулаганова. – Эл-юртга садоқатли, иймон, эътиқодли ватанпарвар фарзандларни камол топишида маҳалланинг ўрни, таъсири беқиёс. Халқимизнинг "Бир болага етти қўшни ота-она" деган ҳикматли сўзида ҳам ана шундай эзгу тушунчалар мужассам. Мамлакатимизда ўтказилаётган сайловлар ҳам ижтимоий-сиёсий жараён демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилмоқда. Маҳалла оқсоқолларининг энг биринчи галдаги вазифаси: маҳалла аҳолиси, хотин-қизлар ва ёшларининг бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, тадбиркорликка оид илгор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий химояга муҳтож катламга кўмак бериш, хонадонлар оқсоқолларининг таъминлашга ҳисса қўшиш ва шунинг баробарида оила, маҳалла ва таълим ўртасидаги ҳам-

корликни мустаҳкамлаш сингари ҳаётий омиллар билан узвий боғлиқдир. Бугунги кунда олти минг нафардан ортик аҳоли истикомат қилаётган "Янгибоб" маҳалласида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови юксак савияда ўтказилди. Саид Ақилонинг номзоди маҳалла аҳлига бирдай маъқул бўлди "Янгибоб" маҳалласида очик, ошкоралик тамойиллари асосланиб ўтказилган сайлов мазкур маҳалла аҳолининг ҳамжиҳатлиги, ҳамкор ва ҳаммиша бирдамлигидан дарак берди. Маҳалла нурли бир маскан, мўъжаз бир ошён унинг гуллаб-яшнашида, тинчлигида маҳалла оқсоқолларининг ўз ўрни бор. Маҳалла оқсоқоли вазифасини бажарувчи лавозимда ишлаб келаётган Саид Ақилон яшрин овоз бериш йўли билан 317 та овоз тўплаб "Янгибоб" маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланди. Гүлчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: сайлов жараёнидан лавҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Олий суд ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда "Суд органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш" мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тажрибали журналистлар, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда қатор давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Агентлик директори Комилжон Алламжонов суд органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, очик суд материалларини ОАВда ёритишни кўзда тутувчи чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан қатор фикрларни билдирди. Олий суд раиси Қозимжон Комилов ҳам келгусидаги ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилгани, мазкур давра суҳбати медиа соҳаси вакилларининг таклиф ва тавсияларини инобатга олган ҳолда, уларни янада такомиллаштиришга хизмат қилишини эътироф этди. Суд ҳукми чиққунга қадар хабарни журналист ОАВда эълон қилмаслиги керак, деган жумлани нотўғри тушунамаслигимиз керак, – деди "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов. – Бунда муаллиф журналист этикасига амал қилган ҳолда на жабрланувчи, на айбланувчи, на суд томонини ёқлаб фикр билдирмаслиги – ҳолислик позициясида қолиши лозим.

Д.МАМАТОВА, ЎЗА МУХБИРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА МИКРО РЎЙХАТГА ОЛИШ ИШЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "2017–2021 йилларда статистика фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини тубдан ошириш, статистика ахборотлари сифатини ва уларни тарқатиш тизимини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури"да 2020 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлашда аҳолининг иштирокини тавсифловчи муҳим кўрсаткичларни шакллантирган ҳолда ер участкалари эгаларини микро рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳамда тажриба ортириш мақсадида Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси томонидан тажриба тариқасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги "Ҳасанбой", "Шарқ ҳақиқати" ва "Катта Ҳасанбой" маҳаллалар фуқаролар йиғинларидаги барча деҳқон (шахсий ёрдамчи) ҳўжаликлари тасарруфидоги ер участкалар эгаларини микро рўйхатга олиш ишлари ўтказилмоқда.

Кузатув ўтказишдан асосий мақсад аҳоли томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжлардан яшовчи аҳолининг турмуш тарзини тўлиқ акс эттириш учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий-демографик статистик ахборотлар мажмуини шакллантиришдан иборатдир.

Танлама статистик кузатув сўровномасини статистика органлари масъул ходимлари томонидан ҳўжалик раҳбари ёки ҳўжаликни яши билган вояга етган ҳўжалик аъзосининг ўз сўзидан келиб чиққан ҳолда ҳўжаликнинг умумий тайрифи, меҳнат ресурслари, ер ресурсларидан фойдаланиш, ер майдонлари ўлчамлари, қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар бош сони, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиш, қишлоқ ҳўжалиги техникалари, қишлоқ ҳўжалиги фаолиятини олиб боришда ҳўжаликка кўрсатилган хизматлар ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисида маълумотлар олишдан иборат.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларни юксак маънавиятли, зукко, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Ёшлар – келажак эгалари, тараққиёт давомчилари, яратувчилари. Уларни қўллаб-қувватлаш тараққиётчи ҳизмат қилади. Иқтисодий-маънавий бир соҳа борки, уни ҳам худди ёшларга менғаш мумкин. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидир. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида ушбу соҳанинг аҳамияти ниҳоятда катталганини барчамиз яхши биламиз. Ички бозоримизни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айна шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар Ёшлар марказида "Ёш тадбиркор – келажакка элтувчи ҳамкор" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Жумабоев очиб берди. Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиқ ўринбосари Р.Баратов "Тадбиркорликда Савдо-саноат палатасининг ўрни" мавзусидаги маъруза билан иштирок этди. Тадбир давомида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ўрни, тадбиркорлик субъектларида текширишларни рўйхатга олиш китобини электрон юритиш тизими, текширишларга тушган тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби мавзуларда маърузалар қилинди. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда ёш тадбиркорлар олдига турган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси катта инспектори И.Мирғиязова "Солиқ хизмати ёш тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори" мавзусида маъруза қилди. Тадбир доирасида Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ҳамда ҳар бир ҳудудий давлат солиқ инспекциялари раҳбарларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ва бошламоқчи бўлган ёшлар бириктирилди. Раҳбарлар ўзларига бириктирилган тадбиркор ёшлар фаолиятида учраган муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиб, тадбиркорликни йўлга қўйишга қадар доимий равишда мулоқотда бўлиб, амалий ёрдам бериши айтиб ўтилди. "Jo stars" санъат мактаби асосчиси, "Имрон фильм" кино студияси раҳбари ва "Авлод-21" бизнес академияси бош мутахассиси Ж.Отахонов "Орзуларни реал мақсадга айлантириш ва тўсиқларни енгиб ўтиш учун 7 қаддам" номли мотивацион чиқишлари билан тадбирга ташриф буюрган ёшлар билан мулоқот қилди. Бундан ташқари, "Ёшлар – келажакимиз" жамғармаси масъуллари томонидан ҳам қандай қилиб тадбиркорликни бошлаш, тўғри йўлга қўйиш, кредит олиш бўйича тўлиқ тушунчалар берилди.

Тадбир сўнггида ёшлар томонидан берилган саволларга жавоблар қайтарилди. Берилган таклиф ва лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича ишлар олиб борилиши айтиб ўтилди.

Азизбек ИКРОМОВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

ФРАНЦИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР ҲАРАКАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Францияга ташрифи доирасида Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки, "MEDEF International" Франция тадбиркорлари ҳаракати ҳамкорлигида бизнес-форум ҳам ташкил этилган. Форум якуни бўйича Европанинг илгор тажрибаси, билими ва технологиялари асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилган, хусусан, Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати қариб 600 миллион евро бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури имзоланган.

Бугунги ташрифимиз мамлакатларимиз бизнес доира вакиллари иштирокида Францияда ўтган амалий мулоқотнинг мантқий давоми сифатида ташкил этилди, – дейди К.Фонтен. – Мазкур бизнес-форумда Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш жараёнида Франциянинг бевосита иштирокини таъминлаш, шунингдек, франциялик ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатингиз ички бозорига инвестиция киритиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашидик.

Форум доирасида меҳмонларга Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилаётган имконият ва қулайликлар, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида сўзлаб берилди. Франция ишбилармонлари мамлакатимизда ўтказилиши режалаштирилган Халқаро инвестиция форумида иштирок этишга таклиф этилди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги, хусусан, автомобиль санюати, мева-сабзавот ва полиз экинлари, қаттиқ ва майиш чийиндиларни қайта ишлаш каби йўналишлардаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда Франция фуқаролари учун 90 кунгача визасиз тартиб жорий этилган сайёҳлик соҳасидаги муносабатларда янги уфқлар очмоқ-

да. Жорий йилнинг январь-апрель ойлари давомида мамлакатимизга келган франциялик сайёҳлар оқими 40 фоизга ортгани ҳам фикримизга мисол бўлади. – Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим савдо шерикларидан, – дейди мамлакатимизнинг Франциядаги Факултода ва муҳтор элчиси Сардор Рустамбоев. – 2018 йилнинг октябрь ойидан буён ҳамкорликда 20 та тадбир ўтказилди, франциялик ҳамкорларнинг Жиззах ва Наманган вилоятларига, шунингдек, Бухоро вилояти ҳокимлиги вакилларининг Париж шаҳрига ташрифлари амалга оширилди. Бу ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Анжуманда Инвестициялар ва ташқи савдо, Энергетика вазириликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари томонидан мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти, ҳамкорлик йўналишлари, кўзда тутилаётган истиқболли лойиҳаларга доир тақдимотлари намойиш этилди. Франциянинг "ADEO", "Airbus", "Alstom", "Lazard Freres", "Bouygues", "BPI France", "Catering International Services", "EGIS", "IDEMIA" каби 20 дан зиёд компаниялари вакиллари томонидан таклиф этилаётган бизнес режалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатларимизда қишлоқ ҳўжалиги, боғдорчилик, енгил санодий каби истиқболли соҳалар бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш учун юқори салоҳият мавжуд. Фармацевтика, кимё санюати, шунингдек, иқтисодиётнинг турли секторларига инновацион дастурий ишланмаларни жорий этиш, инфратузилмани ривожлантиришдаги шериклик ҳамкорликларидаги истиқболли йўналишлар ҳисобланади.

Куннинг иккинчи ярмида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган "G2B" ва "B2B" шаклидаги музокаралар ташкил этилди. Унинг доирасида ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ

ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон, Австрия, Озарбайжон, Беларусь, Бельгия, Венгрия, Буюк Британия, Вьетнам, Германия, Дания, Хиндистон, Индонезия, Италия, Испания, Қозоғистон, Канада, ХХР, Корея Республикаси каби 31 мамлакатнинг 300 дан ортик компанияси ва 1000 нафар делегат иштирок этаётган ушбу кўргазмалар ва анжуманлар ёқилғи-энергетика соҳасида илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишлар, муваффақиятлар ва режалар ҳақида атрофли маълумотлар олиш имконияти яратилгани билан катта аҳамият касб этади.

Улар орасида Россиянинг "Татнефть" (ПАО) компанияси ҳам бор. Кўплаб давлатлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйган бу компания мамлакатимизда ҳам ўз ишончли ҳамкорларига эга.

Бугунги нуфузли тадбир икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаб, ёқилғи-энергетика соҳасида юқори ютуқларга эришимиз учун катта имкон яратиб бермоқда, – деди "Татнефть" (ПАО) компанияси бош директори Наил Маганов. – Бугун соҳа равнақи йўлида яна биров келишувга эришдик. Шу билан бирга, геология соҳасида ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш бошланган. Бирга-лиқда мақола ва диссертациялар ёзиш ишлари қизғин жараёнга айланмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалиётга татиқ этилаётган ислохотлар билан муштарак.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА МУХБИРИ

СУДЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР

Сўнгги йилларда судья ва суд ходимларининг самарали ишлаши учун, судларга ташриф буюрадиган фуқароларга қулай шароит яратиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда маъмурий судлар жиноят ишлари бўйича судларнинг биноларида, туманлараро иқтисодий судлар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларнинг биноларида жойлаштирилган. Мазкур бинолар аксарияти ҳозирги давр талабига жавоб бермайди. Бу эса, ўз навбатида, судлар учун қўллаб алоҳида бинолар ёки қўшимча хоналар қуришни тақозо этмоқда.

Яроқсиз ёки маънаван эскирган ва талабга жавоб бермайдиган биноларда фаолият юритаётган судлар учун Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томондан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида янги маъмурий биноларни қуриш ҳамда мавжуд суд биноларида реконструкция ишларини амалга ошириш чоралари кўриломоқда.

Намунавий лойиҳаларда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, суд маъмурий биносида қўриқлаш ва назоратдан ўтказиш постини (КПП), турникет, судга таш-

риф буюрган фуқароларни қабул қилиш хонаси ва кутиш заллари, видеоконференцлока тизими орқали суд процессларини он-лайн тарзда кўриш хонаси, адвокат ва прокурор хоналари, суд раиси хонаси ва қабулхона, судья ва суд ходимларига алоҳида хоналар, архивариус ва архив хоналари, маҳбусларни вақтинчалик сақлаш ва қўшимча судьялар учун маҳсул хоналар, суд заллари, мажлислар зали, судьянинг маслаҳат хонаси, ашёвий далилларни сақлаш хонаси, видеокузатув, қўриқлаш ва ёнгина қарши қурашиш хавфсизлик тизимлари, локал алоқа тармоғи ва сервер хонаси, замонавий иситиш ва совитиш тизимлари, ҳудудда қонвой ва хизмат автотранспортлари учун махсус тўхташ жойлари эътиборга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги "Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғриси-

да"ги қарорига кўра, судлар учун қурилади ва таъмирлаш ишлари давлат бюджетни ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилди. Давлат бюджетни маблаглари ҳисобидан 2019 йилга мўлжалланган манзилли дастур бўйича 15 та объектда янги бино қурилади. 7 та объектда реконструкция ишлари бажарилади. 2 та янги бино учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланапти. Бунинг учун давлат бюджетидан 50 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Бугунги кунда Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод ва Шеробод иқтисодий туманлараро судларига намунавий лойиҳа асосида янги маъмурий бино қуриш ишлари ҳамда Оқолтин иқтисодий туманлараро судига қўшимча янги бино қуриш ва Фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро судининг мавжуд биносида реконструкция ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

М.ТОШҚОРАЕВА

**Жамият ҳаётини, шартли равишда, учга – сиёсат, иқтисод ва маънавиятга бўлиш мумкин. Булар – бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар. Давлат ва халқ буларсиз яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида изчил амалга ошириб келаётган ислохотларимиз ҳам ана шу уч йўналишда давом этапти.**

Бироқ бунда маънавий ислохотларнинг ўрни ва аҳамияти устунлик қилади. Чунки сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг тақдирини ҳам бевосита айнан кишилар онг-тафаккури, дунёқараш, салоҳияти, ғояси, мафқураси, лўнда қилиб айтганда, маънавиятга бориб тақалади.

Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий тарғибот мамлакатимизда алоҳида тизимга айланган. Бу соҳани ташкил этиш, муттасил ўзгариб бораётган давр талаблари асосида тинимсиз такомиллаштириш боришга қаратилган қатор қонунности ҳужжатлари қабул қилинди.

Кейинги чорак аср мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўрта Фармони, ўрта Қарори, битта фармоиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори, жами 9 та қонунности ҳужжати соҳани ривожлантиришга қаратилган эди.

Хусусан, 2017 йилнинг 28 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарори билан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолияти кенгайтирилган, янги шатлар билан тўлдирилган, таркибий тузилмаси тамоман қайтадан ташкил этилган, олдига давр талабидан келиб чиқадиган янги мақсад ва вазифалар кўйилган эди.

Мана, ордан қарийб икки йил ўтди. Замон шиддат билан ривожланмоқда. Мамлакатимизда ислохотлар жуда жадал бир жараёнга кирди. Давр маънавий-маърифий ишлари янада тараққий этиришни тақозо қилляпти.

Ана шу табиий эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Президентини "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 3 майдаги Қарорини имзолашга ундади. Унда тизимдаги қарийб икки йиллик фаолият таҳлилдан келиб чиқиб иш кўриланган. Агар қисқа қилиб ифодалашга тўғри келса, айтиш мумкинки, маънавий тарғиботида мақсадли ва манзилли тарбия механизмининг жорий қилиш ғояси илгари сурилган.

Бундан ташқари талаб қилмоқда. Чунки аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлоднинг тарбиялаш давлат ва халқ олдига турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаҳон, керак бўлса, ҳар кун ўзгариб бораётган. Хаммамиз эволюцияси, ғоявий-мафқуравий курашлар кескин давом этмоқда. Маънавий таҳдидлар кунайгандан кунайиб бораётган. Ҳозирги пайтда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга бевосита қаршилик, зарарли, ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатлари адиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бундай иллатларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш учун эса маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишга эришиш, маънавий соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмақлашиш зарур.

Ушбу Қарор ана шу мақсадларни қўзлаб қабул қилинган. Ҳўш, мазкур қонунности ҳужжати билан бевосита қандай янгиликлар амалга оширилди? Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари янгидан белгиланди.

Аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш; мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш; оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, "маҳалла – туман – вилоят – республика" принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш; "Жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш; тинчлик ва оқойишталикка, мамлака-

**МАЪНАВИЯТ: МАҚСАДЛИ ВА МАНЗИЛЛИ ТАРБИЯ МЕХАНИЗМИ**

тимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш; аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётини дунёқараш, ғояларини кучайтириш, диний бағир-кеңглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Қарорда Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг расми, минтақалар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри), ҳудудлар (туман ва шаҳарлар) биринчи раҳбарлари эса тизимчилик минтақавий ва ҳудудий кенгашлар раислари ҳисобланади. Мазкур Қарорда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилиши бир йилда бир марта – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши расми, бошқа вақтларда эса, заруратга қараб, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раисининг ўринбосарлари томонидан, минтақавий ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашларининг йиғилишлари минтақавий ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашлари раислари томонидан ҳар ярим йилда бир марта ўтказилиши белгиланган.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ишчи органи бўлган Республика Маънавият ва маърифат маркази зиммасига Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда уч ой муддатда Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси-

лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига, шунингдек, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда икки ой муддатда Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикасини лойиҳасини ишлаб чиқиб, Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритиш юқлатилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида "Маърифат" тарғиботчилар жамияти нодавлат ношароит ташкилоти шаклида таъсис этилган маълумот учун қабул қилинди. Бу таълим муассасасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда Марказнинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари ҳодимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини тизимли равишда ўқитиш амалиёти жорий этиладиган бўлди.

Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишдаги, юқсак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топшириладиган "Маънавият фидойиси" кўркак нишони таъсис этилади.

"Madaniyat va ma'rifat" телеканали Республика Маънавият ва маърифат маркази, унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг бош ахборот ҳамкори этиб белгиланди.

Бир ҳақиқатни ҳамма билади. Бу шундан иборатки, қайси соҳани ривожлантириш ният қилинса, ўша соҳа ходимларининг иқтисодий-ижтимоий аҳолини яхшилаш лозим. Қарорга кўра, 2019 йил 1 июндан янада тариф септаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, Республика Маънавият ва маърифат маркази, унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари лозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,7 баравар кўпайтирилган миқдорда қўлланиладиган бўлди.

Яна бир имтиёз шундан иборатки, Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбар ходимлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг доимий прописки қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилди.

Хуллас, мазкур Қарор бундан буён маънавий-маърифий тарғибот ишлари аниқлаш асосида амалга оширилишини талаб этади. Бунда энди ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланишга тўғри келади. Ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш лозим. Аҳолининг мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизмининг яратилиши зарур.

Бир нарса – аниқ: маънавий-маърифий тарғибот мақсадли ва манзилли тарзда олиб бориладиган кутилган самарани беради. Мақсадли ва манзилли тарғибот эса тўғридан-тўғри тарбияга қаратилган бўлиши керак.

**Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Меҳнат шўҳрати" ордени соҳиб**

**"Мақтаб директори лавозиминда ишлаб келиб, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказганлиги учун жиноят содир этганликда айбдор деб топилсин, 2 йил 6 ой муддатга мансabdорлик ва моддий жавобгарлик вазифалари юқлатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам иш ҳақининг 110 баравари миқдориде жарима жазоси тайинлансин".**

**АДОЛАТ ҚАРОР ТОПИШИ МУҚАРРАР**

Тошкент шаҳар Олмазор туман суди томонидан чиқарилган бу ҳукми эшитган 146-сон умумий ўрта мақтаб директори Зурият Аҳмедова додани кимга айтишни билмасди. Кимларнингдир тўхматлари ҳақиқат деб баҳоқилгани, тўғриликлар томонидан қилмаган ишнинг қилган деб расмийлаштириши, туман судининг ўзига қўйилган айбларнинг ҳаққонийлигини синчиқлаб ўрганмасдан ҳукм чиқарганлигини қандай исботлай олинсин?

Зурият Аҳмедованинг шундан кейин ҳақиқат излаб турли идораларига ёзган аризаларига жавоб даярли бир хил эди: "жабрланувчи судда кўриб чиқилган ишлар бўйича назорат тартибиде юқори инстанция судига шикоят қилиши мумкин". Аммо Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси ҳам туман судининг ҳукмининг ўзгартириш қолдириди.

Никоят айби йўқ "айбдор" Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга мурожаат қилишга ҳужжат этиди. Марказнинг Жамоатчилик билан алоқалар бўлимининг бошлиғи Отабек Норбоев аризага мурожаатиде баён этилган далиллар билан танишар экан, амалдаги қонунчилик талаблари асосиде исботланган зарур бўлган барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилмаганлиғи, иш бўйича судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳамда дастлабки тергов давомида тўплаган ҳужжатларга етарли даражада баҳо берилмаганлиғига амин бўлди.

Масалан, директор устидан ёзилган аризада тўғри мақтабда ишламаган ходимлар ишлайди сифатиде расмийлаштирилиб, уларнинг маошлари ўзлаштирилган деб даъво қилинган. Аммо аслида бу масала бўйича тушунтириш хатлари бошқа рўқда ёзилиб, аризагича имзо қўйиб жойи белги билан кўрсатилган ва кейинчилик имзоланган. Текширувчи аризадаги ваъдаларни мустаҳкамлаш учун 21 одамни сўроқ қилиб, ўзи томонидан тузилган далолатномага уларни ариза муаллифлари деб киритган. Энг асосийси – далолатномада ишламаган деб кўрсатилган ходимлар мақтабда ишлаб келган ва маошлари уларни имзо чекиб олишган.

Умуман Зурият Аҳмедовага нисбатан жиноят иш қўзғатишга Назорат-тафтиш бошқармаси ходимларининг мақтабда бюджет маблағлари ўзлаштирилганлиғи тўғрисидаги текшириш далолатномаси асос қилиб олинган. Бироқ ушбу далолатнома қонун талабларига эид равишда тузилган. Энг аввало, Назорат-тафтиш бошқармаси зимма-

сига бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг меҳнат муносабатларига доир ишларни назорат қилиш вазифаси юқлатилмаган. Шу сабабли улр бюджет ташкилотлари ходимларидан меҳнат муносабатлари билан боғлиқ тушунтиришлар талаб қилишлари мумкин эмасди. Тафтишчилар бунинг устига ўз далолатномаларида кўрсатилган камчиликларни ишончга сазовор бўлган молиявий ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тасдиқламасдан, мақтаб ўқитувчи ва ходимларини таниш-танимасликларни ҳақиқидеги тушунтиришларига асосланган ҳолда ноқонуний иш ҳақлари тўлаган деган хулоса чиқаришган.

Айбловда тўлов ведомостларига сохта имзолар қўйилганлигининг хатшўнослик экспертизасида кўрсатилган бўлса ҳам ушбу имзо эгалари маошларини ўзлари имзо қўйиб олганликларини кўрсатганлар ва нима учун экспертиза бундай хулоса чиқарганлиғидан таажубланган. Шунингдек, хатшўнослик экспертизасида ведомостларига бошқаларнинг ўрнига айнан мақтаб директори имзо қўйилганлиғи ҳам аниқлик киритилмаган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ходимлари аризагичининг мурожаатини ўрганиб чиқиб, Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ва Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси ажримининг Зурият Аҳмедовага оид қисми амалдаги қонунчилик талаблари бузилган ҳолда чиқарилган деган хулосага келди. Улар бу ҳолатда суд ҳукмининг қонуний, асосли ва адолатли бўлмағиде деб ҳисоблашди.

Шунинг учун Миллий марказ инсон ҳуқуқларига амал этилишини назорат қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатидан келиб чиққан ҳолда адолатни тиклаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига Зурият Аҳмедова иши бўйича мурожаат қилди.

2019 йил 19 мартда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг ажрими билан жиноят аломатлари бўлмаганлиғи ва жиноят юз бермаганлиғи сабабли Олмазор туман судининг Зурият Аҳмедовага оид қисми бекор қилинди. Айни пайтда унинг мулкий, маънавий ва бошқа эънини қоплаш масаласида даъво ишини юритиш тартибиде судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Ҳа, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклай олиши ва адолат албатта қарор топишига ишонини шарт.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

**Ислохотлар оқимида**

**ТАҲЛИЛЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА**

**Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг барча соҳалари – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар давлатнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизими жабҳасидаги кенг миқёсда ислохотлар давлат сиёсатининг асосига айланган. Бугунги кунда бу жараёнлар янада тизимли равишда, жадал сурьатларда ислохот қилинмоқда. Жамият ҳаётининг муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилиб, ташкилий ишлар билан бирга соҳаларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Қонуний асосларга таниб ривожланиш ва тараққий этиш йўлидан бораётган мамлакатимиз иқтисодиёти давлатнинг қудрати, нуфузининг ошишига, мустақиллигининг мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда. Фуқаро ҳуқуқининг ҳимоясини давлат сиёсатининг асосига айлади. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ўрни катта.

Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг кўриб чиқилишида ҳамда дастлабки тергов олиб борилишида жиноят-процессуал қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилганлигини назорат қилиш амалдаги қонун нормаларига асосан прокуратурага юқлатилган.

Мазкур фаолиятда криминоген вазиятни белгилаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалдаги механизмларнинг долзарб муаммо ва камчиликларини аниқлаш, шунингдек, уларни такомиллаштиришнинг ҳар томонлама ўйланган истиқболларини ишлаб чиқиш имконини берувчи жиноий-ҳуқуқий статистикани юритиш ва жиноятларни таҳлил қилишнинг самарали тизимини жорий этиш масаласи кўтарилди.

Шу билан бирга, жиноятчилик ҳолати статистикасини юритиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили шунинг кўрсатмоқдаки, тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқ, ишончлилиғи ва янада маалаки қайта ишлашни таъминловчи замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш зарур.

Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатларига ҳамон чек қўйилмапти. Мазкур салбий ҳолат бугун пайдо бўлган эмас. Жиноятларни ҳисобдан яшириш ёки уни ҳисоботларда кўрсатмаслик собиқ иттифоқ давридан пайдо бўлган.

Шу сабабли, жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини такомиллаштириш жиноятлар ҳисобини юритишнинг шафдофлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабабларини мақсадли таҳлил қилиш йўли билан жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Юқоридегиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги "Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тўздан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши мазкур соҳада амалга оширилган ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Фармонга асосан 2018 йил 1 декабрдан бошлаб жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари ҳаракатланганининг ягона ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилиши, статистик карточкаларнинг электрон шаклларини тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айланувчи ва жабрланувчи тарикасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

Прокуратура, суд ва бошқа давлат органлари ўртасида дастлабки тергов ва суриштирув органларининг электрон маълумот алмасув шаклини, шу жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш йўли билан жорий этиш ҳамда жиноий-ҳуқуқий статистикани юритиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва уни шакллантириш жараёнида инсон омилини истисно этиш йўллари жорий этилди.

Суд муҳокамаси ҳамда суд қарорлари ижросининг натижалари, шунингдек, айланувчи ва жабрланувчи сифатда жалб этилган шахслар бўйича маълумотларни судлар ва суд қарорлари ижросини амалга оширувчи давлат органлари томонидан электрон статистик карточкаларни тўлдириш йўли билан шакллантириш йўлга қўйилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, жиноятларнинг аниқ ҳисоботларини юритиш кейинчилик жиноятларни ошиш ёки камайиш динамикасига тўғри баҳо бериш ва эътиборини қаратиш лозим бўлган йўналиш ҳамда жиноят турлари бўйича таҳлилларни тўғри ўтказиш орқали келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни аниқ белгилаб олиш имконини беради.

**А.МИНГБАЕВ, Х.ЛАТИПОВ, Бош прокуратура Академияси тингловчилари**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани 276-сонли мақтаб томонидан 2004 йилда Азизова Камола Азизовна номига берилган U № 0978723 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиғи сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**(Ўз муҳбиримиз)**

